



## ОЛАМНИ ГЎЗАЛЛИК АСРАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг қадимий ва навиқрон Самарқанд шаҳрида 11 халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев билан учрашиб унга бир неча саволлар билан мувожаат этди.

— Мамлакатимизда очилган кутубхоналар мусиқа анжуманига ҳозирда ташкилий қўмита ва санъаткорлар қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Фестивалнинг асосий аҳамияти нимада?

— Энг олдин, бу воқеанинг тарихий аҳамиятини қайд этиб ўтиш керак. «Шарқ тароналари»нинг нуфузи фақатгина унда иштирок этадиган қўллаб давлатлар вакиллари билан белгиланмайди. Аввало бу фестивал бевосита Ўзбекистон Президентига ташаббуси билан юзага келганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу гоё шу қадар ҳаётий экани, фестивалнинг 1997 йилда ўтган биринчи йилидан бери санъат жамоатчилигининг диққатини унга тортиб, ЮНЕСКО ва бошқа бир қатор жаҳон мусиқа ташкилотларининг байроғи остида ва бевосита раҳнамолигида амалга ошди.

Кўплаб халқаро тадбирлар иштирокчиси сифатида айтишим мумкинки, бундай маҳобатли фестивал Осиёнинг биронта мамлакатидан ҳам ўтказилмайди. Албатта, фестивалнинг сони жуда кўп, улар қатор мамлакатларда ўтади. Лекин уларни ташкил этишдан мақсад — келган санъаткорларни кўпроқ тасвир олиб, телевидение дастурларини бойитиш, пул топиш, тижоратдир. Бизнинг «Шарқ тароналари» фестивалимиз тагида маънавий ётади.

Ҳозирда мустақил Ўзбекистонни маънавий жиҳатдан ривожлантириш модели мажҳуд. Бу модел иккита таянчга асосланади. Биринчиси — миллий қадриятлар. Ота-болаларимиз мероси. Иккинчиси — умуминсоний аҳамиятга молик маънавий бойликлар. Гап шундаки, урф-одатларни фақат сақлаш эмас, балки ривожлантириш, замонага мослаш зарур. Хусусан мусиқамизнинг 4-5 минг йиллик тарихи бор. Бу меросни музей ва кўриқхоналарда асраш эмас, балки ўрганиш, ривожлантириш, замона билан ҳамоҳанг қилиш керак.

Шундагина у мазмунан бойиди, авлоддан-авлодга ўтиб, аҳамияти ортади. Хозирги ёшлар ота-болаларимиз йўлидан бораётти. Лекин дунёни идрок этишда улардан анча илгарилар кетишган. Биздан кейин келадиган авлодлар биздан ҳам илдамроқ бўлади. Шунинг учун «Шарқ тароналари» фестивалининг маънавий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу боис унинг нуфузли бўлиши учун Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилди.

«Қураш», «ёнбош», «халол» деган сузлар ўзбек сузлари билан бир қаторда «тарона» атамаси ҳам халқаро тушунча сифатида кириб бормоқда. Масалан, мохиятига келсак, очик айтиш керак, биз ким билан мусобақалашаятганимиз йўқ. Лекин қайси ман-ман деб турган давлатда мана шундай анжуман ўтказилди? Биринчи халқаро фестивал давомида иштирокчилар, хусусан, Жанубий Корея вакили очикдан-очик ахборот воситаларига интервью бериб, «Бизнинг давлатимиз жуда бой ва ривожланган бўлса-да, лекин бундай анжуманларни ўтказишга қурби етмайди», — деган. Бунга қойил қолди керак. Шунинг учун «Шарқ тароналари» фестивалининг сиёсий аҳамияти каттадир.

(Давоми 2-бетда)

## ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛДИ

Хурматли таҳририят! Севишли газетамиз орқали Ватанимиз галлакорларни юксак галаба билан табриклияман!


Мамлакатимиз галлакорлари ҳозиргача 3,6 миллион тонна хирмон кўтаргани, ундан 2 миллион 205 минг тоннаси омборларга топширилганидан хабардоримиз.

Қишлоғимиз деҳқонлари бу йил ҳам давлатга шартнома асосида дон

топишиш режасини ортиги билан бажаришди. Етиштирилган ҳосилнинг қолган қисми қишлоқ аҳлига тақсимлаб берилди:

### Галла-99

жамоа ҳужалиги аъзоларининг йил давомида ишлаб топган ҳар юз сўмига нисбатан бир килодан бугундай берилди. Бундай адолатли тақсимотдан ҳамма мамнун.



Уз қадрини билган халқгина, бағри бутун, гурури билади миллилатини жаҳон халқлари даврасида қадр топади. Президентининг яқинда Ватанимиз озодлиги ва истиқлол учун курашларда жон фидо этган, шўрлар даврида ноҳақ қирғин-қатагон қилинган минг-минглаб шайхидлар хотирасини абадийлаштириш, халқимиз, ёш авлодди ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, демократик принциплар руҳида тарбиялаш мақсадида чикарган Фармойиши ана шу қадрият — Ўзбекистон қадрини, гурурини юксалтиришга қаратилгандир. Газетамизнинг ўтган сонидан очилган янги руҳ — «Мангу маҳза» Улғу Фармойиш шарофати билан пайдо бўлди. Унда нобъ тарихий фотожуҳатлар ва уларга шарҳлар изчил ёритилди.

Руқини Мустамаккачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг раиси профессор Нам ҚАРИМОВ олиб боради.

### Мангу лаҳза

## НАВҚИРОН НАВКАР

Атоқли озарбойжон адиби Мирза Иброҳимовнинг бундай аjoyиб сузлари бор: «Тақдир Мақсудни, минглаб тенгқулар сингари, ҳаёт денгизининг асов тулқинлари қаърига ташлади. У баъзан денгизнинг кутурган тулқинларига қарши тик борар, баъзан эса, Саъдий айтганидек, юрагини сокин мавжлар ихтиёрига топширар эди. Йигирма ёшида бу тулқинлар уни қардош Ўзбекистон турроғига келтирди. Буюк Улғубекнинг, Навойнинг муқаддас Ватани Мақсудни уз фарзандидек қўноғига олди ва унинг улкан шoirлик истеъдодига қўш қанот бахш этди».

Хурматли газетанонлар бу сузларнинг ошнафсаз ўзбек шoirи Мақсуд Шайхзода шаънига айтилганини сезган бўлсалар керак.

Шайхзода 1908 йили қардош Озарбойжоннинг Агдаш(Оқтош) шаҳрида таваллуд топиб, 1921 йилга қадар дастлаб шу ердаги бошланғич мактабда, сўнг Боқудайи дорилмуаллимиди тахсил қурган. Дорилмуаллимини 1925 йили тугатган Шайхзода Озарбойжон Халқ маорифи ноziрлиғи йўлнамаси билан Дарбанд шаҳрига ишга борган. У биринчи бошқик мактабда бир ўқув йилини ўтказган, Буйноқ шаҳрига кўчиб ўтган ва педагогика техникумида жамиятшунослик бўйича бир ўқув йили давомида дарс берган. 1928 йили эса тақдир, Мирза Иброҳимов ёзганидек, Мақсуд Шайхзодани ҳаёт денгизининг асов тулқинларига ташлаган ва бу тулқинлар уни Тошкентга келтириб ташлаган.

Маъшур замонадешимизнинг бундан кейинги ҳаётий ва ижодий йўли ўзбек китобхонага қафддек равшан. Шунинг учун ҳам муҳтарам газетанонлар эътиборини Шайхзоданинг Доғистонда кенган қисқа, аммо бир умрга ёдда қолган ҳаётига қаратмоқчимиз.

(Давоми 3-бетда)



си Жуманазар Боубеков.

Н. Муҳаммаджонов суратга олган

### ЯПОНИЯДАН ХАТ

## ТАШРИФИНГИЗГА МУНТАЗИРМИЗ

Муҳтарам Орипов жаноблари!

Авалло, Сизнинг бизларга қурсатган самимий хурматингиз, меҳмондўстлигингиз учун чўқур миннатдорчилигимизни билдираимиз. Сиздек аjoyиб истеъдод соҳиби — бетакдор халқ шoirи билан учрашмиш, ҳондонингизда меҳмон бўлиш биз учун гоёт шарафли ва мароқли бўлди. Ўзбекистон билан Япония орасидаги масофа олислигингизга қарамай Ўзбекистонга савҳатимиз, бу савҳат давомида Сиз сингари қалби яқин дўстлар билан ўтказган давларимиз меҳмондўст Ўзбекистон, унинг меҳнатсевар халқи билан танишиш учун катта имкон берди. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, баҳорий манзаралари, худди япон болалари сингари ҳар хил сукаларни елкаларига осиб, мактабдан қайтаётган ёш болакайлари кўноқ қулгилари бизни беҳад мамнун этди. Ўзбекистоннинг мазабли таомлари ҳам гоёт манзур бўлганини айтмаслик мумкин эмас. Юртингизнинг қўна тарихи, ипак йўлининг бой утмиши, бугунги ва келажакдаги халқ-хали бизнинг ҳаёлимизни банд этиб турибди.

Айниқса, Сизнинг маданий алоқалар, халқ таълими соҳасидаги ҳамкорликларга умид мулоқазаларингиз халқларимизнинг уй-фиқрлари муштарак эканлигини аён қилди.

Дайсаюк ИКЭДА

## НИАГАРА УЗРА КАМАЛАК

О. Ниагара! Гуллайди сенинг қудратинг! Бунчалар гўзалдир хусну жамолинг. Гўлдирган сузларингизда миллионлаб оқимлар бирлашар Айқириб, кўпириб ва тўлқинланиб Толшарга салпичган бойликларингиз Осмонга соҳарсан зарра-зарралаб Уларга рақс тушар қўшнингиз нури; Туман узок-узокларда — Қоялар бошига ўраган рўмол. Бу буюк гулдураш Куч билан қўчоқлаб бутун борлиқни Заминни силкитар қаърига довр, Ҳатто қирғоқларда нафис чечаклар Кўркувдан қалтираб кетарлар; Ниагарани кўрдим тенгсиз, беқисс, Эшитдим наърасин абадий, улмас,

Жилвагар табиат дабдабасидан Қўшимиз узолмай термулдим мафтун. Ҳаётнинг туганмас қудратидир бу Қалқиниб-қалқиниб жарангайдиган. Бутун ер узига донг таратган бу Рангин ёғдулардан фаҳрга тўлиб, Дунёда энг севган қўшнингизни Шаршара мисоли қўйган жўр бўлиб. Қўйлангиз хо этиб борлигингизга Шаршара қуваатини, Ниагара кучини. «Ичимга тувушлар беркинми олган, Қалқинибнинг энг чўқур еридан, кўринг, Заминни силкитар қаърига довр, Ҳатто қирғоқларда нафис чечаклар Кўркувдан қалтираб кетарлар; Ниагарани кўрдим тенгсиз, беқисс, Эшитдим наърасин абадий, улмас,

Сурайё НАЗАРХУЖАЕВА таржимаси

### АДАБИЁТ ВА РАДИОТЕАТР

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари кўп йиллардан буюн Ўзбекистон радиосининг адабий эшиттиришлар таҳририяти томонидан саҳналаштириб келинмоқда. Тингловчилар жаҳон адабиётининг кўплаб ноидир асарлари билан илк бор радиотеатр орқали танишганлар, десак муболаға бўлмайди. Яқинда ўзбек радиотеатри хазинаси яна бир салмоқли асар билан бойиди. Ўзбекистон халқ эъзувчиси Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романи асосида яратилган радиопектакл қуни кеча мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Асардаги асосий ролларни Муқимий номидида Ўз-

бек давлат мусиқали театрининг ёш актёрлари ижро этмоқдалар. Улар сафида биринчи бор радиотеатрда қатнашадиган актёрлар ҳам кўп. Асарни Ўзбекистон радиосининг таниқли режиссёри Воҳид Дўстмухамедов саҳналаштирган. Амир Темиров образини актёр Мирза Азизов ижро этмоқда. Қолган ролларда актёрлардан Кимсанбой Собиров, Ҳамид Тухтаев ва бошқалар иштирок этмоқдалар. Асарга таниқли шoir Шукӯр Қурбон муҳаррирлик қилган.

### Мустақиллик ўйлари

Сирожиддин САЙИД

## ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

Оврўпонинг қоқ марказида, Олмоняннинг ҳаммаёғи яқрираб, чарақлаб турган гузал Франкфурт шаҳрида носқаи оғамиз нс тупуришга жой тополмади. У энг юрди, бу ён юрди — бирон ифлос гуша ё кир ахлатдон учрамади, оғамиз носини ту- пурсин деб тоза сарсон бўлди, охири бир қаҳвахонанинг қул ювилдиган хонсағи қириб, бу дардисардан кутулиб чиқди. Лаб- лунжини румолчаси билан артаркан, у ярим ҳаяжон, ярим ўқинч ила шундай де- ди: «Ватан бўлса шундай тоза, озода бўл- син экан. Кўчасини ҳам лаб билан ялаин дейсиз-а!».

Оғамизнинг бошида дўпписи бор эди. Кейин...

Оврўпонинг қоқ марказида, Олмонян- нинг ҳаммаёғи яқрираб, жиллоланиб турган гузал Франкфурт шаҳрининг гузал, гавҳум кўчасида қўлла-қўндуз қуни бир олмон ае- ли ҳаммани ҳайрон қолдириб оғамизнинг бўйнига осилиб йнглай бошлади-ку!

— Ўзбекистондан келдирларми-а? Ўз- бекимсизлар-а? Мен Бекободда ашаган- ман. Ўзбекларнинг нон-тузини қул ёганман. Уйга эринглар, чой ичиб кетасизлар, ош дамаб берай...

Оврўпонинг қоқ марказида, олмон ае- лининг кўчалари жиққа ёш, биз лолу ҳайрон, йўловчилар хангу манг, Франкфуртинг ихтилатларининг узи 53 минг кишини ташкил этувларини улугвор аэропорти тим- сиз гувиллади, у ерда бикинида «Ўзе- бкистон» деб ёзилган, озода Ватанимизнинг бир нишониси бўлиб бизнинг самалетимиз ҳам қантариб қўйилган эди...

Бу ҳолатлар ҳеч ёддан кўтарилмайди. Олти йиллар ўтди, лекин у сузлар: «Ва- тан... озода бўлсин...».

Эътибор берган бўлсангиз, хорижда чи- қадиган сақичларнинг қозғида ҳам хатто ахлат ва унга қўл чўзиб бир нима ташлаёт- ган кишининг ақиси туширилган ва тағида инглиз тилида шундай сузлар ёзилган: «Бу мамлакат сизники, уни ифлос қилманг!».

Мавлоно Завқилнинг 1904 йилда ёзилган бир аламли сатрлари бор: «Ушбу диёғри масжарани эмди тарк этай».

«Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон топол- май», «қийган либоси белини ҳам ёпол- майин» қолган, «фохишахоналар дорилмон булган», маънан ҳам, жисман ҳам эзилган, булганган бир шароитда, чор Россиянинг маънавий фохишабузликлари авж олган иф- лос, нопоқ бир муҳитда, миллат аҳволини кўриб:

Илму хунарлар ўрнига пулдор тўнғ бўйин, Уч-тўртти йнгиллиб қилишур ит қаби тўйин, Эҳсони гарибга йўқ, шохона қилур тўйин, Айтса адо бўлмас сира мнбанд феълу хўйин, Гуссаи дилим шарҳ айласам, асрор мунча қўп, —

дебон фиғон чеккан шoirнинг бирдан- бир армони Ватанини озода ва обод, милла- тини шод ва баркамол қурмоқ эди. Ватани- нинг озодалиги энг аввал унинг маънавий гў- зал, қалбни озода фарзандларидан бошла- нади. Бирок... муҳит, миллатнинг камолоти- ни истамаган мустабид муҳит...

(Давоми 2-бетда)

### Мустақиллик ўйлари

Сирожиддин САЙИД

## ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

қадиган сақичларнинг қозғида ҳам хатто ахлат ва унга қўл чўзиб бир нима ташлаёт- ган кишининг ақиси туширилган ва тағида инглиз тилида шундай сузлар ёзилган: «Бу мамлакат сизники, уни ифлос қилманг!».

Мавлоно Завқилнинг 1904 йилда ёзилган бир аламли сатрлари бор: «Ушбу диёғри масжарани эмди тарк этай».

«Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон топол- май», «қийган либоси белини ҳам ёпол- майин» қолган, «фохишахоналар дорилмон булган», маънан ҳам, жисман ҳам эзилган, булганган бир шароитда, чор Россиянинг маънавий фохишабузликлари авж олган иф- лос, нопоқ бир муҳитда, миллат аҳволини кўриб:

Илму хунарлар ўрнига пулдор тўнғ бўйин, Уч-тўртти йнгиллиб қилишур ит қаби тўйин, Эҳсони гарибга йўқ, шохона қилур тўйин, Айтса адо бўлмас сира мнбанд феълу хўйин, Гуссаи дилим шарҳ айласам, асрор мунча қўп, —

дебон фиғон чеккан шoirнинг бирдан- бир армони Ватанини озода ва обод, милла- тини шод ва баркамол қурмоқ эди. Ватани- нинг озодалиги энг аввал унинг маънавий гў- зал, қалбни озода фарзандларидан бошла- нади. Бирок... муҳит, миллатнинг камолоти- ни истамаган мустабид муҳит...

(Давоми 2-бетда)

### Миср — қадимий ва мафтункор ўлка

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчионаси ходим- лари ҳар икки мамлакат уртасидаги дўстлик ва манфаатли ҳам- корлик алоқаларини ривожлантиришга доир қатор ибратли тадбир- ларни амалга ошириб келмоқдалар. Шулардан бири ҳозирнинг узи- давк анъанавий бўлиб қолган «Мисрни биласизми?» деб номла- нувчи мусобақа-танловдир. Ўзбекис- тон телевидениеси ва радиоси, «Ўз- бекистон овози», «Правда Востока», «Нурли жол», «Овози тожи», «Му- лкор», «Тасвир», «Овози Самарқа- нд» газеталари таҳририятлари иш- тирокида ўтказилган бу галги тан- лов якунлари кутилганидан ҳам юқори натижалар берди.

Гап шундаки, эҳромлар улқаси бўлиши Мисрнинг қадимий ва бой тарихи, бугунги кунга доир унча содда бўлмаган саволларга танлов қатнашчиларининг ақсарият кўччи- лиги турғи жавоб қайтарганлар. Бу — мамлакатимизда Миср Араб Рес- публикасига, Миср халқига, унинг бетакдор тарихи ва маданиятига қизиқиш ниҳоятда катта эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Кўпчилик иштирокчилар анкета саволларидан ташқари бошқа кўплаб маълумот- ларни уз жавобларига илова қилганлар, уларни суратлар билан бе- занганлар. Яна шунти таъкидлаш жоизки, мусобақада мамлакатимиз- нинг бирча вилоятларидан, қўшни жумҳуриятлардан ҳам жавоблар олинди.

Мусобақанинг энг кўпса иштирокчиси 80 ёшда, энг кенжаси 9 ёшда эканлиги ҳам эътиборга молиқдир. Мусобақани тайёрлаш ва уни ўтказиш ҳайати аъзолари жами саволларга тула ва турғи жа- воб қайтарган иштирокчилар орасидан энг мақбулларини танлаб

олиб, голибларни эълон қилдилар. Самарқанд вилояти, Нарпай ту- манидаги Улмас қишлоғида яшовчи Бехзод ТУХТАЕВ, Андижон ви- лояти, Олтинкул туманидаги Сарой қишлоғида яшовчи Дилором ЙУЛ- ДОШЕВА, Фарғона вилояти, Тоҳир МИРХОДИЕВ, тележурналист Шо- махмуд МИРСОУЛОВлар танловнинг мутлақ голибга деб топилдилар ва уларга Миср Араб Республикасига бе- пул савҳат йўлнамаси топширилди- ган бўлди.

Танловда фаол иштирок этган ва яхши натижаларга эришган Пайров АҲ- МЕДОВ (Самарқанд), Аҳроржон ОҲУ- НОВ (Фарғона), Дилдора МИРХОДИЕ- ВА (Тошкент), Феруза ЗОКИРОВА (Қорақалпоғистон), Петр Нагорный (Са- марқанд), Алишер Раулов (Жиззах), Холмурад МИРЗАЕВ (Андижон), Рабат КАНЦЕРОВ (Тошкент) ва Носир ТЕМИ- РОВЛАР (Фарғона) қимматбаҳо совга- лар билан мукофотландилар.

Мукофотларни топширишга бағиш- ланган маросимда Мисрнинг Ўзбекис- тондаги Факултода ва мухтор элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий, «Ўзбекистон- Миср» дўстлик жамияти раиси Нейма- тилла Иброҳимов, чет мамлакатлар билан маданий ва маърифий ало- қалар жамиятлари кенгаши раиси Жамолиддин Буранов ва бошқа- лар суз олиб элчиона мазбуот шубчасининг мазкур мусобақани ташкил этиш брасидига хайри ишларига юқори баҳо бердилар. Бун- дай тадбирлар олдий одамларни бир-бирига янада яқинлаштиради, дунёқарашини бойитида.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги элчиси Солиҳ Иноғомов иштирок этди.




тулла Иброҳимов, чет мамлакатлар билан маданий ва маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси Жамолиддин Буранов ва бошқа- лар суз олиб элчиона мазбуот шубчасининг мазкур мусобақани ташкил этиш брасидига хайри ишларига юқори баҳо бердилар. Бун- дай тадбирлар олдий одамларни бир-бирига янада яқинлаштиради, дунёқарашини бойитида.

Тадбирда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги элчиси Солиҳ Иноғомов иштирок этди.



Кутлаймиз!

ХАЛҚ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ШОИР



Санъатда шундай бир йул бор — халқ йули. Адабиётда шундай бир ата-ма бор — халқ оҳанги. Ифода тарзининг бу шаклини кўпчилик енгил, содда ва раво деб тушунишади. Бу йулда асар ёзиш осон деб уйлашади. Йўқ, халқ йулида ижод қилиш биз уйлаганчалик осон эмас. Чунки бу йулда ижодкор халқ аъёнларига садоқатли бўлиши, доимо халқ билан бирга бўлиши, ҳақиқатни айтиши, халқ йулини ифодалаши лозим. Зеро, халқ йули — ҳақ йўлдир. Халқ асарлари эса биз тушунганчалик енгил ва содда эмас. Унинг моҳияти буюқ, шакли ранг-баранг, оҳанги бисёр. Уша биз билган биргина думбиранинг узиди 40 та нағма бор эмиш. Черта билган одам думбиранидан бундан ҳам кўп нағма чалиши мумкин. Халқ ижоди танлаган ижодкор ана шу буюқликини ҳис этмоғи даркор. Умуман, ижодкор йул танламайди, балки йулнинг ўзи ижодкорни танлайди. Ана ўшанда унинг асарларини халқ севиб ўқийди, севиб куйлайди. Халқ ижодиётининг юксак бадийи хусусиятларига ва халқ манфаатларига мос келган асарларинигина халқ ўз мулкига қўшади.

Адабиёт аҳли бугун Тура Сулаймонни халқона шоир сифатида танийди. Бироқ ушбу эътироф айнан бугун фақат биз томонимиздан қабул қилинган эмас. Ёш шогирдининг шеърларидаги халқона хусусиятни устоз Миртемир хув ўша пайтлардаёқ илган: «Тўражон, «Дўмбиранинг кўздан кечириб чиқдим. Яхши чалибсан. «Менинг қоракўзгинам»нинг кўшиқ қилиб айтулик «хавфи» бор...»

Шогирдларини «менинг киприкларим» деб авайлаб юрган оқсоқолнинг «қурқанича» бор экан, ўша «хавф» содир бўлди: ушандан сўнг Тура Сулаймоннинг бир эмас, бир неча унлаб шеърлари кўшиқ қилиб айтилиб кетди. Ва бу кўшиқлар жуда машҳур бўлиб кетди. Энди уларни халқнинг ўзи яхши курганидан кейин эл оғзига элак тутиб бўлмайдими-да... Шунинг учун ҳам халқ Тура Сулаймонни ўз шоири деб билди.

Мана бугун Тура ака 65 ёшга тулибди, устози Миртемирдай оқсоқол бўлибди. Кеча «Ёзувчи» газетасида чиққан шеърларини ўқидим, ҳаммаси халқона шеърлар: халқнинг дарду армони, халқнинг ҳикматлари, халқнинг келажак ҳақидаги орзулари ифодаланган шеърлар. «Ҳикмат» деган бир шеърда оқсоқол бўлиб қолганини ўзим тан олибди. Бироқ одатдагидек унда қарилдикдан ўкиниш эмас, кечган умрдан шукроналик ва фахрлиниш устивор:

Сочга бир-бир оқ тушмоқдадир, Бундан кўнгил ёришмоқдадир. Қор бўларми пасткам тоғларда, Бошим кўкка туташмоқдадир.

Қор тамоми кўнмишдир бошга, Қарамасдан кўнгилга, ёшга. Буюқ тоғлар мисоли бошим Яқин бўлар энди Кўёшга...

Тура акани 65 ёши билан табриклар эканмииз, у кишига узоқ умр, соғлиқ-омонлик тилаймиз.

Рустам МУСУРМОН

Муҳаммад ИСМОИЛ

МЕНДАН БАХТИЁР ЙЎҚ ЕРУ САМОҶА

ҚУВОНЧ

Ичимда ҳаёт барқ урмоқда, Исён кўтармоқда шодлик. Ёшлик хуш гаштини сурмоқда, Ўз бағрига олди озодлик.

Кўнгилда бир қатра ғубор йўқ, Ташиш йўқ, хаёл йўқ ўйлашга. Бу ёрғу оламдан кўнглим тўқ, Тайёрман сел бўлиб куйлашга.

Бу сархуш юраклар ҳаётнинг Энг тотли айшидан яйрасин. Яшаш учун келган ҳар одам Ҳар кун, бахтлиман деб яшасин!

Агар қолар эрсанг сарсари, ёлғиз, Ҳатто яратганинг келмаса ўйга. Бундай танҳоликда ёвуздан ёвуз, Душман топилмайдми ўзингдан ўзга.

Оллоҳ, менга шундай умр бер, Оллоҳ, менга бер шундай ҳаёт — Токи кучоғига олганида ер, Ўзинг қутқар, ўзинг бер нажот!

Юртдош, ватандошга тўладир дунё, Жаҳон бўйлаб кезар маслак, тоифа. Гарчанд олам ярни қондошдир, аммо Энг буюқ юрт, буюқ Ватан — оилам.

Маънавий сабоқ — агар у олтин шаклида бўлганда эди, қимдан қанча қарз эканлигимиз уяқол кўринарди, қоларди. Афсус, ундай эмас.

Ҳаётнинг абадийлигини шундан ҳам билса бўладики, қуёш ҳам, ой ҳам, юлдузлар ҳам ҳеч қачон, ҳеч қачон ҳеч кимнинг ўлимидан сўнг мотам тутмаган.

Унда изтироблардан кўра сўз бойлиги кўпроқ эди.

Ҳаёлларинг қанча чексиз бўлса, шунча истеъдодлиман, деявер.

Ўз-ўзинга ишонмаслик, бировга тақлид қилишга олиб келади.

А.РАҲМОНГА

Бу дунё ҳақида айтмасдим бир сўз, Уни шарҳ этолмай мен сарсон бўлдим.

Нелигин ўзимга айтмасдим, ҳатто, Аммо сенга айтмоқ лозимдир, ўғлим.

Бир сўз ҳам айтмасдим унинг ҳақида, Кундуз сукут қилдим, тунлари кўрқдим.

Бир сўз ҳам айтмасам яхши аслида, Аммо сен бор, айтмай бўлмайдми, ўғлим.

Ўзимга сўзлашдан тамом тонганман, Ўзимга сўзламай қўйганман ўзим. Энди мен дунёда не сўзларканман, Фақат сенгагина сўзлайман, ўғлим.

Бари ўтар, бари энди тугар бўлди, Менинг умрим жар томонга келар бўлди. Умримнинг энг сўнгги кунни сени кўрдим, Сенсиз ўтган кунларимдан қулар бўлдим. Яшамабман сени кўрмай шу чоққача, Юрагимни эзгилаган қийноққача.



Мен ҳаётнинг гўзаллигин билмас эдим, Сен кўрк бердинг, ҳусн бўлдинг бу боғчага.

Бу боғчанинг назокатин кўриб нетай, Кўзларимни сенга бериб, қайга кетай? Жар тубида қутар мени бир зирҳли тош,

Сенга фақат оҳим етгай, додим етгай. Эй, дунёнинг назокати, кўзим сенда, Мен қолмасман, қолсин сўнгги сўзим сенга:

«Менинг учун энг ардоқли ўзим эдим, Олгин десам, арзимасман ўзим сенга».

Бари ўтди, бари энди тугар бўлди.

Баъзилар яшашнинг йўлини излашади, баъзилар ҳаёт мазмунини.

Одам Худони таниган кун, ўз ҳайвонийлигини йўқотган кун ҳамдир. Ва аксинча Худони унутган кун ҳайвонийлигини топади.

Энг катта айёрлик, виждон қийноғига сабаб қолдирмасликдир.

Мен шу қадар қаттиқ ухлабманки, ҳатто нафас олишни ҳам унутиб қўйибман.

Сен етиб борганингда, бахт кетиб улгурган бўлади.

Жароҳатидаги ўлим нишонлари унга ҳаётни гўзалроқ кўрсатарди.

Мен ўзимни яхши кўрмаганимда, албатта сизни яхши кўрган бўлар эдим.

Дунёдаги энг аҳмоқона ақллилик ақлли бўлиш учун қилинган аҳмоқона ҳаракатдир.

Замон сенга муҳтож эканлигини қанчалик англай олсанг, шунчалик қудратлисан.

Мартабаси улуг одам билан савияси улуг одамни фарқлаш учун Афлотун бўлиш шарт эмас.

Ҳеч нарса кишига хотирачалик дўст бўлмайди. Ҳеч нарса кишига хотирачалик хиёнат қилмайди.

ДРАМАТУРГИЯ: ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Истиқлол шарофати билан юртимиз ҳаётининг барча ҳабҳаларида узғаришлар, янгилашиллар, ислохотлар давом этмоқда. Ана шундай ислохотлар бадийи адабиёт, хусусан, драматургия соҳасида ҳам юз бермоқда, янгилашиллар жараёнида истиқлол драматургияси шаклланмоқда.

Истиқлол драматургияси илгор, ҳалқчил, миллий рўҳдаги аъёнларига таянган ҳолда, улар босиб ўтган йўлни миллий тафаккур таъминини асосида танқидий ўрганиш, жаҳон драматургияси ютуқларига асосланган тарзда шаклланимоқда.

Истиқлол ва адабий жараён

Истиқлол драматургияси хусусиятларидан бири ўзбек халқи ва жаҳон халқлари тарихи, маданияти, илим-фани тарихидаги муҳим ўрин туган улуг ватандошларимиз сиймосини саҳнага тарихий ҳақиқатларга мос равишда олиб чиқишга қаратилган ҳаракатда куринади.

Бу уринда шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, жаҳон миқёсига чиққан улуг кишилар ҳақидаги саҳна асарлари уларнинг шукратига лойиқ, бу асар уларни чет тилларга таржима қилиш, жаҳон саҳналарида уйнашга муносиб бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса журватнинг узигина кифоя эмас. Драматургдан тарихий материални пухта билиш, билим, тажриба, драматик маҳорат сирларини чўқур эгаллаш талаб этилади.

Амир Темури, Бобур, Аҳмад Фарғоний, Чўлпон ҳақида яратилган драматик асарларда ана шу хусусият кўзга ташланади. Амир Темури ҳақида адиблар Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Тура Мирзо саҳна асарлари ёздилар. Улар ичиди Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърӣ драматик узига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Дадил айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ўзбек драматургиясида истиқлолдан кейин Амир Темури тисолини муваффақиятли яратган драматург бўлиб қолди.

Истиқлол драматургияси хусусиятларидан бири илгари саҳнага олиб чиқишга имкони бўлмаган ҳаётнинг конфликтлар асосида бадийи конфликтлар яратиш, характерларни ҳаққоний, борица куратишга ҳаракат этилишидир. Бу борада истиқлол йиллари нашр этилган М. Бобоевнинг «Тунис президенти» И. Ҳасановнинг «Бир кам дунё» пьесалари диққатга лойиқдир.

Тарихий фактларни пухта билиш, тарихий ҳақиқат негизда ҳақиқат яратиш мейвирини бузмаслик, драмада Амир Темури фаолиятини тўла ақс эттиришга ортинча интилимаслик, соҳибқиронни фақат макташ йулидан бормаслик, асар тилини пухта уйлаш каби фазилятлар драматургининг жиддий ютуғидир.

Машраф Бобоев драмада аёл раҳбар фожиясини унинг олиасига, қишлоқ ҳаётига муносабати негизда очиб берди. Драматург маҳорати шунда кўринадики, муаллиф фақат икки персонаж фаолияти воситасида 80-йиллар қишлоқ ҳаётидаги ўткир конфликтларни ақс эттира олган.

Улғурларимиз сиймосини саҳнага олиб чиқиш борасида З. Мухитдинов, М. Ҳамидовлар қаламига мансуб «Заҳириддин Мухаммад Бобур» шеърӣ драматик илганишлар ҳам диққатни тортди. Драмада шох ва шоир, саркарда, меҳрибон ота хусусиятлари равшан очилган. Бобур характери таъсирли кўринишларда

И. Ҳасанов трагикомедиясида оналар ва болалар мунимоси қаламига олинган. Фарзандларнинг улим тушагидида онага меҳрсиизлиги, аксинча, пул, бойлик дардидаги уй-ташвишлари, хатти-ҳаракатлари улар маънавиятининг пулчилигини ёрқин ифодалайди. Драматик ҳаракатга комик ва трагик оҳанглари усталик билан сингдирилиши, асарда трагик оҳангининг кучлилиги китобхонни уйга толдиради.

Журналларни варақлаганда...

ФИКРИЙ ТАРБИЯГА ДАЪВАТ

«Шарқ юлдузи», 1999 йил 3-сон



Бугунги адабий жараёнда «Шарқ юлдузи» журналининг ўрни алоҳида. Ушбу нашр ўз саҳифаларида ижодкорларимизнинг турли жанрлардаги янги асарларини изчил ертиб келаяпти. Кейинги сонларда журналининг ҳамма ошгани, бадийи безалиши ранг-баранг бўлиб, мундарижасининг бойиб бораётгани муштарийларга гоятда манзур бўлаётди. Яқинда нашрдан чиққан журналининг учинчи сони бу фикримизнинг далили бўла олади.

Бу сонда бир қатор ёш шоирларнинг ижодий изланишларидан намуналар берилган. Улар орасида, айниқса, Ойгул Суяндиқованинг «Умид дунёсида тугилди ҳайрат» туркумидаги шеърлари туйғуларининг самимий ва таъсирчанлиги билан кўнглимга сурур бағишлайди. Шамсия, Мухтарам Туркой, Минҷоҳиддин Мирзо мақолаларида ҳам ёшликка хос фикрчан, эҳтиросли сатрлар талайгина. Таниқли шоиримиз Хусниддин Шариповнинг содда, халқона оҳангдаги «Калтис юриш» достонининг мазмунини шу асардаги ўшбу сатрлардан илғаш мумкин: «Ез қадрига етмасанг, Қишининг қор келади. Инсонни қадр етмасанг, Бир кун ори келади».

Нафақат алоҳида бир инсон, балки бутун бир халқни ноҳақдан бадном қилишга уринганлар — 80-йилларнинг урталабда собиқ марказдан Ўзбекистонга «адолат урнатиш» баҳонасида келиб, ёвузликлар содир этганларнинг мудоҳиш ишлари таниқли адиб Уткир Ҳошимов қаламига мансуб «Қатагон» номили икки пардали фожиада руй-рост фош қилинган. Журна Фозилининг XVIII асрда Бухоро амирлиги билан Россия уртасидаги муносабатлардан ҳикоя қилувчи «Бухоро элиси» ҳужжатий қиссаси ва Фарҳод Ҳамроҳоновнинг тарихий элисидаги «Қат» ҳикоялари наср илҳосмандлари эътиборига ҳавола этилган.

Журналининг бу сониди ёзувчи Тохир Малиқнинг «Мурдалар гапирмайди» қиссасининг ҳамда шоир Усмонов Азимнинг «Ал-Помиш» кинодостонининг давомларини ўқийсиз. «Адабий танқид», «Бу куннинг гапи» рунқлариди берилган мақолаларда санъат олдиға қўйилган бугунги талабалар, шоир Шавкат Раҳмон шеърятининг гоявий-бадийи хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тухтабоевнинг мухтастар сузи остида берилган Дилорам Абзалованинг шеърӣ машқлари, «Булук кўз очди» рунқиди журналда илк бор катнашавтан қўқонлик Ўш шоир Отабек Рустамнинг шеърлари укучилар эътиборига ҳавола этилган.

олдидан яна яқин утмишда аҳлиқимиз бошдан кечирган адолатсизликлар замирини, хусусан, «Пахта иши» деб номланган ёвуз ҳаракатлар моҳиятини очиб беришдек муҳим вазифалар туради. Бугун «босмачилик», «босмачи» тушуналарида муносабат узгарди. Гарчанд, бу масала Ш. Холмированинг «Қора камар» драматик асарига янгича талқинда берилган бўлсада, уларни чинакам миллий озодлик курашчилари сифатида куратуви саҳна асарлари зарурдир.

Шуро даври драматургиясида дин аҳли салласи чувалдан, чинасавод кишилар сифатида талқин этиб келинди. А. Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик асарига Шайхулислом, аҳмад Ясавий тисолалари, А. Иброҳимовнинг «Пус» драматик асарига Хонқаро тисоли дин аҳлиға бўлган муносабатнинг янгиға қуринишларидир.

Баҳром ЖАЛИЛОВ, Андижон Давлат университети доценти

НАВҚИРОН НАВКАР

(Боши 1-бетда)

Гап шундаки, ун туққиз ёшли Максуд Буйноқ педагогика техникумини тугатиши билан Бирлашган давлат сийсий бошқармаси қошидаги махсус кенгашнинг қарори билан 1927 йил 30 июн кун қамоққа олинган. Уша йилнинг 6 декабр куну бўлиб утган суд уни «сийсий қурилиш»га юборишға қарор қилган. Уша пайтда «8» мафқуравий таъсир доирасига тушган ёшлар учун шундай «жазо» тури ҳам қўлланилган.

Шайхзода Буйноққа қучиб келганидан сўнг Файзий уни ва техникумининг бошқа ёш укитувчиси Файзи Мамедовни ўз таъсир доирасига олади. Уларға: «Озарбойжон ҳозирги вақтда рус мустамлакиси. Мухтор республика ишлаб чиқарилаётган нефтининг 10 фойизини



Шайхзода бу сузларни айтганида НКВД ходимларининг қўлида 1928 йили бўлиб утган суд ва тергов материаллари бўлмаган, деб уйлаган. Ҳолбуки, шуро давлатининг бу сийсий органи озарбойжонлик шоирнинг биринчи марта қачон ва нима учун қамалганини унут-

Шайхзода «сийсий қурилиш»да кул бўлмади. Юқорида номи тилға олинган бошқарма ҳайъати қошидаги махсус кенгаш 1928 йилнинг 17 февралда Маҳачқалъа авастаси маҳбусини Қирим ва Кавказда уч йил муддатта яшаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда озод қилган. Севишли фарзандини суд залидан севинч куз ёшлари билан кутиб олган она унга уч йилға Тошкентга бориб яшашни маслаҳат берган. Негаки, худди шу ерда отасининг дусту Собир Шарипов ашган.

Энди яна Буйноққа қайтайлик. Шайхзода на бирорта тархимаи ҳолида, на озарбойжонлик тадқиқотчиси Жамол Мухаррамлиға йўллаган хатларида, на 1952 йили Тошкентда иккинчи марта қамоққа олиниб, терговчининг саволларига жавоб берганида Буйноқ билан боғлиқ сирли воқеаларни айтмаган. 1952 йил 24 сентябр куну бўлиб утган терговда «Нега қамоққа олингансиз?», деб суралганида ҳам маҳбус шоир: «Бир қанча саволлар (суроқлар, демоқчи — Н. К.) жаравнида менинг гўё миллатчилик фаолиятини олиб борганимни учун қамалганлигимни айтишди», деб жавоб берган. Терговчининг «Гўё деганингиз нима?» деган саволиға эса бундай жавоб қилган: «Чунки мен ҳеч қандай миллатчилик фаолиятини

маган эди. Шайхзода Дарбандда узининг педагогик фаолиятини бошлаган кезларда бу шарҳар Догистон мухтор республикасиға қараган, бу мухтор республикада эса «Маориф йули» деган журнал чиққан. Ёш шоир дастлабки шеър ва мақоаларини худди шу журналға юбориб, унда эълон қилинишиға эришган. Бу журналини муҳаррири Эдхам Файзий исмли киши бўлиб, у ёш шоирға айрим ижодий буюртмалар берибгина қолмай, балки у билан маслақдош эканиға ишониб, уни Буйноққа қучиб келишға кундирган.

Эдхам Файзий Шайхзодаға узини қиримлик турк деб таништирган. У 1914 йилға қадар Булгория, кейин эса Истанбул ва Парижда таҳсил курган. 1918 йили Қиримда нашр этилган «Миллат» газетасининг, 1925 йилдан эса «Маориф йули» журналининг муҳаррири сифатида фаолият олиб бориш билан бирга боғиғи техникумда жуғрофиядан дарс ҳам берган.

Шайхзода Дарбандда узининг педагогик фаолиятини бошлаган кезларда бу шарҳар Догистон мухтор республикасиға қараган, бу мухтор республикада эса «Маориф йули» деган журнал чиққан. Ёш шоир дастлабки шеър ва мақоаларини худди шу журналға юбориб, унда эълон қилинишиға эришган. Бу журналини муҳаррири Эдхам Файзий исмли киши бўлиб, у ёш шоирға айрим ижодий буюртмалар берибгина қолмай, балки у билан маслақдош эканиға ишониб, уни Буйноққа қучиб келишға кундирган.

Шайхзода Дарбандда узининг педагогик фаолиятини бошлаган кезларда бу шарҳар Догистон мухтор республикасиға қараган, бу мухтор республикада эса «Маориф йули» деган журнал чиққан. Ёш шоир дастлабки шеър ва мақоаларини худди шу журналға юбориб, унда эълон қилинишиға эришган. Бу журналини муҳаррири Эдхам Файзий исмли киши бўлиб, у ёш шоирға айрим ижодий буюртмалар берибгина қолмай, балки у билан маслақдош эканиға ишониб, уни Буйноққа қучиб келишға кундирган.

КУЛИБ, КУЛИБ, ЭСЛАШДИ

НАЗАРМАТ

Эдном

Фаргона вилоят театр биносид...

Мен эсам бундан олтимш йил илгари...

Менга жавоб беришмади. Адам ака орқасига қайтиб...

тупламини нашр эттиришда Фаргона вилоят матбуот бошқармаси...



МАРГИЛОН БОГИДА БЕЛААШУВ

Ушбу суратларни эътиборингизга анча аввал ҳавола этмоқчи эдик. Лекин, вақти-соати бугун экан...

Ҳаёт завқини солмоқда, «Шу азиз Ватан, шу азиз тупроқ, шу азиз қадриятлар ҳаммамизники...

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилгишда юртбошимиз одамларнинг кайфияти, шукроналик тўғрисида иборатли гапларни айтдилар...

Маргилон боғида янграган хушбахт наволар бугун — мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида бугун мамлакат бўйлаб таралмоқда.

Тавakkал АБДУЛЛАЕВ суратлари.



ТУНОВЧИ

(Миршабхонадаги суҳбат)

— Касбингиз нима?

— Мен овчиман.

— Овчимни ёки тунувчимни? Гувоҳлар Мамарайимни тунаган сиз буласиз дейишяпти-ку?

— Мен Сизга айтдим-ку овчиман деб. Қандай тушунтирсам экан? Менинг меҳнат шароитини тўғри тушунишингизни суррайман. Овчиликни мен тунда қиламан. Ҳаммаёқ қоронғу бўлганлиги сабабли баъзи ҳолларда англашилмовчиликлар ҳам бўлиб туради...


— Яъни одамларни тунаша-а?

— Одамларни тунаган эмасман, уртоқ капитан.

— Мамарайимничи?

— Мамарайим гирт маст, одам ҳолатида эмас эди.

Хусан АХМЕДОВ



Хабиб РАҲМАТ

КИЧКИНА-ДА

Қулида Чумоли, Мирсоли Дер кулиб, Хайрона Боқаркан.



Ўзим қийман

— Қаранг-а, кичкина чумоли, кич-ки-на, Кич-ки-на, чақаркан.

БУЗИЛИБ ҚОЛДИ

Янги туфли Ҳакимни қийнаб қўйибди чоғи. Бир пайт келди: «вой!»-«вой!»-лаб, қаварибди оёғи. Ойисига кўрсатиб бир пас чўзилиб қолди. Сўнг дер: — Ойи оёғим, Қаранг, бузилиб қолди.

АФРИКАЛИК ПУЛБАРС

Йулбарс юрар қафасда, Кўрдик дадам, мен, Ғайни. Ҳазил қилди дадамлар, — Ишлар қалай оғайни? Йулбарс парво қилмайди, Укам секин жилмайди: — Африкадан келган у, тилимизни билмайди.



НИМА БУПТИ

— Майканг сенга уйинчоқми, Этагидан тортма кўп. Чўзаверсанг ҳадеб уни, Катта бўлиб кетар хўп.

— Вой, ойи-ей — гапни бола, Ҳазил томон йўзди. Катта бўлса, нима бўпти, Унда акам кияди.

ҚАЙРАЛИБ-ҚАЙРАЛМАГАН...

КЎЗ — кўрмасликка ўрганаётган аъзо. ПУЛ — қўлинг кири, жоннинг ҳузурни. ХОН — хуноби ошганлар насибаси. ЭР — эринмайдиан РОБОТ. БУЗОК — бўқирмагандагина оқил қўринадиган жонивор. ҚУШ — кам юрадиган, кўп учадиган мутахассис. ХОТИН — эркакларнинг архитектору. ЧАЕН — ниш санчимаса туролмайдиган хирург. ҒУНАЖИН — кўз сузишини реклама қилувчи тарғиботчи. БУКА — ил узиш учун кўз сузилишини қўтиб турадиган олифта. БУРУН — яккама-якка гаплашишга ҳалақат берадиган учинчи шахс. СЎҚМОК — кишилар қадамни пойлайдиган қароқчи. Исмат ЖЎРАЕВ

Премиядан кейинги қилар

Сунги вақтларда Ҳамза номидаги академик драма театри репертуаридан урин олаётган спектакллар жанр ва мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги билан томошабин эътиборини узига тортмоқда. Тарихий асарлар билан бир қаторда, бугунги кун муаммоларини кутариб чиқётган спектакллар кишини қувонтиради. Санжарали Имомовнинг икки пардали «Эргинамнинг орзуси» комедияси замонавий мавзуда бўлиб, унда бир оила мисолида эр-хотин ўртасидаги муносабатлар намойиш этилади. Оилавий-маиший мавзудаги ушбу спектакл ижодкорлари эркакларнинг узага аёлларга қўнғил қўйиши, сунги йилларда қулоққа чалинаётган кўп хотинлилик сабабларини очишга

эрини узага аёллардан қизгани, рашк ҳам қилмайди. Соддалик ҳам эви билан-да! Эр бечора хотинидан талаб қилган барча истак ва майларни узи кўрсатиб беради ҳам! Унинг хинд, араб рақсларига хос ҳаракатлари, гап-сузлари, нозик ишвалари сизни гоҳ қулдирса, гоҳида жиддий уйга толдиради. Хотин — Гавҳар Зокирова эрининг хоҳиш-истаги билан яшайдиган, унинг майлига кўра бугун турмуш қийинчиликларини бира-лашиб тортаётган узага аёлининг бири. Аввалига эр талаблари ва танбҳлари уни додиратиб қўяди. Лекин дарҳол узини қўлга

«ЭРГИНАМНИНГ ОРЗУСИ»

интиладилар. Спектаклда тилга олинганидек, аёлларнинг рўзғор, бола-чақа билан уралашиб қўлиб, узига қарай олмаётгани бунга сабаб бўлмаётми? Саҳнада аёлининг эри талаб қилаётгандек юриш-туриши, кийиниши, қўлга оро бериши, боринги, қўлидан пивэ хиди анқимаслиги учун нималар қилмоғи, турғирого, нималардан воз кечмоғи ҳақида гап бора экан, тафсилотлар гоҳ оқсоийша, гоҳ шиддат билан қўнғил ва уйга толдирувчи ҳолатларда кечди.

Содда, камсуқум, ҳатто эри таъкидлагандек, эллаб кийиниб юриши ҳам билмайди-ган аёл турмуш урғотининг зури билан замонавий эстетика мактабига қўриб ўқийди. Натижада аёлнинг юриш-туриши, гап-сузи, кийиниши, замонавий қўнғилга муносиб рақсларга тушиши эр орузидан ун чандон ошиб кетди. Хотиннинг ноз-қарашмалари, талаб ва истакларидан тинкаси қуриган эр бора-бора унинг аввалги ҳолатини истаб қолади.

Спектакл ижодкорлари ана шулар ҳақида мушоадага чорлайдилар. Қизиги шундаки, саҳнада бор-йўғи иккита актёр — Гавҳар ва Жамшид Зокировлар меҳнати, узоқ изланишлари, тилга олинган воқеаларнинг бугун тўлалиги билан ойдинлашувига сабаб бўлган.

Агар инсоф билан ёндошилса, эр — Жамшид Зокировнинг орзу-истаклари асос-сизми? Аксинча, актёр узининг хоҳиш-истакларида асос борлигига сизни ишонтиради. Унинг гаплари, фикрлари, ҳаракатлари, куйиб-ёнишларига қўшилмасиз. Ҳақиқатда, нега унинг авлидан қимматбаҳо фаранг атирларининг хушбўй иси анқимайди, нега унинг авли ешига нисбатан қари қуринади, назокат билан қадм ташламайди? Нега қўнғил сузиб, у айтгандек, эрига муқом қилмайди? Ҳеч бўлмаса баъзи аёллар каби

олиб, аввал мумтоз қуйлардан бирига, сунгра хоразм халқ қуйига мос хиром этиб, эри қўнғилини овлашга интилади. Аммо қани энди булар эрига ёқса...

Спектаклнинг иккинчи пардаси аёлнинг замонавий эстетика мактабини тугатиб қайтгани билан бошланади. Ана ишва ноз-қарашма, ана қоматни кўз-қўз қилиб қадам ташлашу узига зеб бериш. Либосларни айт-майсизми? Актриса Г. Зокирова қахрамонидаги узғаришларни ишонарили ва табиий ифодалашга интилади. Актрисадаги завқ, эҳчил ҳаракатлар, характердаги узғаришлар, бир ҳолатдан узага ҳолатга ўтишдаги эркинликлар Г. Зокировадаги яширин имкониятларни тулиқ намоён этади. Бир неча сонияда либосларни алмаштириб, уларга муносиб характерга қира олиш, рақс маҳорати ва техникасининг юксаклигига уза-узидан эришиб бўлмайди, албатта. Бунинг замирида қаттиқ меҳнат ва изланишлар бор. Шунга қарамасдан, спектаклда эътироз уйғотадиган уринлар ҳам йўқ эмас. Баъзан ҳолатларнинг ҳаддан ошиби, майнавозчилик даражасига утиб кетиши сезилди. Воқеаларнинг баъзан жун, баъзан етарли асосланмагани кўзга ташланади.

Спектаклни томоша қилар экансиз, беихтиёр ҳавлинида узага аёлининг ифпати, ҳавси кутарилмасин, эркакларимиз уза аёлининг боқира, камсуқум, соддалигидан қисини туйиб яшасин, деган фикр кечади. Режиссёр М. Хачатуров спектаклга бежиз «Ҳаё билан гузал аёллар...» қўшигини киритмаган-ку. Узага аёлидаги ҳаё, ифпат унинг ҳақиқий гузаллиги эканлигини ҳис қила олиш, дилдан туйиш эркакларга ҳам насиб этсин.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари номзоди


ТОҒЛАРДАН

Ўтган шанба юртимизнинг гузал масканларидан бўлган Чимён тоғлари санъат муҳлис-лари, хусусан, муסיқа шайдоларини ўз бағрига чорлади. Аста-секин туша бошлаган қоронғулик ёритгичлардан таралаётган гаройиб ранглар шуъласида гоийб бўлди. Айниқса, ранглар бирлашиб, улардан таралаётган қумуш-ранг нурлар ресторан тепасига қурилган саҳнага узагача тароват бағишлади. Бу ерда тантанали суратда «Буюк Ипак йўли» шиори остида «Чимён-99» санъат фестивали очилди. Фестивалда юртимизнинг машҳур қўшиқчилари ва гуруҳлари, жумладан «Ялла» ансамб-



НАВОЛАР

ли, шунингдек, Россиядан келган меҳмонлар, «Рондо» гуруҳи шитирик этдилар. Ҳар бир ижро этилган номерга муҳлислар баравар жўр бўлиб турдилар. Тадбир доирасида «Ҳофиз» модалар уйи ҳамда модельер Л. Иброҳимова тайёрлаган янги кийим-кечаклар намойиш этилди. Ташкентлик рангтасвир усталари томонидан яратилган асарлар кургазмаси ўтказилди. Хуллас, шу кун Чимёнга таширф буюрганлар ниҳоятда мароқли хордиқ чиқариб қайтдилар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, мазкур фестивал «Ёздан ёзгача» шиори остида йил бўйи иш олиб боради.



Н. Муҳаммаджонов суратлари

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЭЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ... ПОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ... Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32... Назм-насер бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлаёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН Тиражи — 8840.